



## **O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI**

2021 yil «30» декабрь

№ ПҚ–73

### **Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

“2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида:

#### **1. Қуйидагилар:**

2022 йилда иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари 1-иловага мувофиқ;

2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 2-иловага мувофиқ;

2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари прогнози 3-иловага мувофиқ;

Фойда солиғи тўлиқлигича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтириладиган йирик солиқ тўловчилар рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**2. Қуйидаги солиқ турлари бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисми Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетида тўлиқ ҳажмда қолдирилсин:**

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

фойда солиғи (мазкур қарорга 4-иловада кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек, норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғи бундан мустасно);

қўшилган қиймат солиғи бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисми (мазкур қарорга 4-иловада кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно).

Бунда солиқ турлари бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини ҳисоблашда йирик солиқ тўловчилардан тушумлар (мазкур қарорга 4-иловада кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар бундан мустасно) ҳудудлар кесимида инобатга олинади.

Молия вазирлигига нархлар (тарифлар) ва қонунчилик ҳужжатлари ўзгаришидан келиб чиқиб, қўшилган қиймат солиғи бўйича даромадлар прогнозини тасдиқланган кўрсаткичлар доирасида ҳудудлар кесимида қайта тақсимлаш ҳуқуқи берилсин.

Белгилансинки, 2021 йил IV чорак якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини ўтказиш 2022 йил январь ойида амалга оширилади ва 2021 йилги ҳисоботларда акс эттирилади.

**3.** Белгилансинки, 2022 йил 1 январдан бошлаб ижтимоий солиқ тушумлари қуйидагича тақсимланади:

а) бюджет ташкилотлари бўйича:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига — 99,2 фоиз;

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига ва Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармасига — 0,4 фоиз;

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига — 0,4 фоиз;

б) бошқа тўловчилар бўйича:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига — 98,4 фоиз;

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига ва Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармасига — 0,8 фоиз;



Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига — 0,8 фоиз.

**4.** 2022 йил учун қуйидаги солиқ ставкалари:

а) “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ва “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ учун:

foyda soliғи 5-иловага мувофиқ рентабеллик даражасидан келиб чиққан ҳолда;

олтин бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 10 фоиз ва палладий, кумуш, мис бўйича 15 фоиз миқдорида белгилансин. Бунда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ базаси ишлов бериш (бойитиш), қайта ишлаш (аффинаж) ва ташиш харажатларини чегирмаган ҳолда аниқланади;

б) “Ўзбекнефтгаз” АЖ учун нефть, табиий газ ва газ конденсати бўйича 15 фоиз миқдорида тасдиқлансин.

**5.** Олтиндан ясалган заргарлик буюмларини чакана савдода сотганлик учун йиғим 1 граммга 1 000 сўм миқдорида сақлаб қолинсин.

**6.** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, “Ўздаверлойиҳа” илмий-лойиҳа институти, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2022 йил 1 апрелгача ерларга солиқ солиш учун уларнинг норматив қийматини аниқласин ва қишлоқ хўжалиги ерларига эга юридик шахслар, шу жумладан деҳқон хўжаликларига етказсин.

**7.** Белгилансинки, жисмоний шахсларга улар томонидан чакана савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш объектларида амалга оширилган харид суммасининг 1 фоизи миқдоридаги тўловлар республика бюджети даромадлари қисмида қўшилган қиймат солиғини қайтаришга режалаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

**8.** 2022 йил 31 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона божининг ноль ставкалари қўлланиладиган товарлар рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**9.** Бюджет харажатларининг самарадорлигини баҳолаш мақсадида 2021 йилда тажриба тариқасида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитаси фаолиятининг мақсадли индикаторлари жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**40 та** биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг 2022–2024 йиллар учун бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ мақсадли индикаторлари 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**Белгилансинки:**

мақсадли индикаторларнинг бажарилишини баҳолаш ҳар чорак якуни бўйича вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари томонидан амалга оширилади;

ҳисобот йили якуни бўйича Ҳисоб палатаси мақсадли индикаторларнинг бажарилишини аудитдан ўтказди.

Мазкур қарор билан тасдиқланган мақсадли индикаторларнинг бажарилиши юзасидан вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳар чорак якунида эшитиб бориш амалиёти жорий этилсин.

**10.** 2022 йил 1 январдан бошлаб ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимларини яхшилаш бўйича барча лойиҳалар учун Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси ва унинг ҳудудий ҳисобрақамлари орқали молиялаштириш тартиби белгилансин.

**11.** Белгилансинки, 2023 йил 1 январдан бошлаб ер участкаларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилмаган ерларда жойлашган ирригация ва мелиорация объектлари ҳамда автомобиль йўллари сақлаш ва таъмирлаш учун бюджет маблағлари ажратилмайди.

Сув хўжалиги вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси Кадастр агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ирригация ва мелиорация объектлари ҳамда автомобиль йўллари жойлашган ер участкаларини хатловдан ўтказсин ҳамда 2022 йил якунига қадар ер участкаларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

Молия вазирлиги бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган ер участкаларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш учун маблағлар ажратиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

**12.** Белгилансинки:

2022 йил 1 июндан бошлаб тажриба тариқасида, босқичма-босқич йил якунига қадар Сув хўжалиги вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитаси таркибидаги барча унитар корхоналарга фақат Молия вазирлиги Ҳазначилиги томонидан хизмат кўрсатилади;

Молия вазирлиги Ҳазначилигига ўтказилган унитар корхоналарнинг бўш маблағлари тижорат банклари депозитларига Молия вазирлиги Ҳазначилигига буюртманома тақдим этиш орқали жойлаштирилади;



2022 йилгача давлат унитар корхоналари бўш маблағларининг тижорат банклари депозитларига жойлаштирилган миллий валютадаги маблағлари депозитлар муддати тугагандан сўнг, уларнинг муддати узайтирилмасдан тегишли ғазна ҳисобварағига ўтказилади.

**13.** 2022 йилда солиқ юкининг кескин ошишига йўл қўймаслик мақсадида қуйидагилар белгилансин:

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи (тадбиркорлик фаолиятида фойдаланадиган ер участкаларидан ташқари) суммаси 2021 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозим;

2018 йилда белгиланган кадастр қиймати асосида ҳисобланган, жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи суммаси 2021 йил учун ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 бараваридан ошмаслиги лозим.

**14.** Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тўлашдан озод этилган солиқ тўловчилардан ушбу солиқлардан ҳисобланган сумманинг бир фоизини ундириш тартибини жорий этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур банддан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

**15.** Солиқ тўловчиларга қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

2022 йил 1 февралга қадар 2022 йил учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани кўчмас мулк объектларига **бир квадрат метр минимал қиймат миқдорини ҳисобга олмаган ҳолда** тақдим этиш;

2022 йил 1 апрелга қадар кадастр органларида кўчмас мулк объектлари майдонларини таққослашни амалга ошириш, 2022 йил учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисидаги **аниқлаштирилган маълумотномани** пеня ҳисоблаш кўринишидаги жавобгарлик чораси қўлланилмаган ҳолда тақдим этиш;

2022 йил 1 октябрга қадар кўчмас мулк қийматини баҳоловчи ташкилотни жалб қилган ҳолда мустақил баҳолашни ўтказиш ва 2022 йил учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси тўғрисида аниқлаштирилган маълумотнома ва **баҳолаш ҳисоботини** солиқ органларига тақдим этиш. Бунда кўчмас мулк объектларини мустақил баҳолаш ўтказиш режалаштирилганлиги тўғрисида 2022 йил 1 апрелга қадар солиқ органларини хабардор қилиш шарт;



қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи бўйича солиқ ҳисоботларини 2022 йил 1 февралга қадар тақдим этиш.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ҳар бир кўчмас мулк объекти қийматини мустақил баҳолаш натижалари тўғрисидаги маълумотларнинг доимий асосда маълумотлар базасига киритилишини таъминласин.

**16.** Белгилансинки, 2022 йил 1 январдан бошлаб бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган давлат харидлари (импорт шартномалари асосида амалга ошириладиган харидлардан ташқари) учун тўловлар фақат электрон ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштирган ҳолда амалга оширилади.

**17.** 2022 йил 1 апрелдан 2022 йил 31 декабрга қадар тажриба тариқасида “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ, “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ ва “Uzbekistan Airways” АЖ мисолида товарларни импорт қилишда ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ўзаро ҳисобга олиш тартиби жорий қилинади.

Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси 2022 йил 15 мартга қадар мазкур корхоналар мисолида ўзаро ҳисобга олиш механизмини ишлаб чиқсин.

Молия вазирлиги Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2022 йил 1 ноябрга қадар тажриба сифатида қўлланилган тартибни бошқа корхоналарга татбиқ қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

**18.** Белгилансинки, 2022 йил 1 июлга қадар давлат солиқ хизмати органларининг “Е-актив” автоматлаштирилган ахборот тизими билан интеграция қилинмаганлик ёки ундаги барча операцияларни тўлиқ акс эттирмаганлик учун назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилмайди.

**19.** 2022 йил 1 июлдан бошлаб ишлаб чиқарувчилар учун этил спирти ва алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграциялашган электрон ҳисобга олиш ва ўлчаш ускуналаридан фойдаланиш мажбурийлиги белгилансин.

**20.** Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари ҳамда автомобилларга газ қуйиш ва газ тўлдириш компрессор станцияларига замонавий электрон ҳисобга олиш ва ўлчаш ускуналарини ўрнатиш, уларни солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.



**21. Давлат солиқ қўмитаси:**

этил спиртини ва алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқаришда солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграциялашган электрон ҳисобга олиш ва ўлчаш ускуналаридан фойдаланиш устидан тизимли ва қатъий назоратни таъминласин ва белгиланган талаб бузилган тақдирда, бундай солиқ тўловчиларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишини таъминлансин;

қўшилган қиймат солиғи тўловчиларни махсус ҳисобга қўйиш учун фойдаланиладиган хавфни таҳлил қилиш тизимида мезон сифатида этил спиртини, алкоголь маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар томонидан қонунчиликда белгиланган рухсат этувчи (лицензия) талабларнинг бузилишини назарда тутсин.

**22. Давлат солиқ қўмитасининг “Солиқ маълумотларини қайта ишлаш маркази”** давлат унитар корхонасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитасига “Солиқ маълумотларини қайта ишлаш маркази” давлат унитар корхонаси томонидан хизматлар кўрсатиш учун асосланган ҳисоб-китобларга кўра маблағларни 2023 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида ажратишни назарда тутсин.

**23. Ҳисоб палатаси** ва Молия вазирлиги тадбиркорликни, иқтисодиётнинг айрим соҳаларини қўллаб-қувватлаш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда Давлат бюджетидан вазирлик ва идораларнинг мақсадли жамғармаларига 2017-2021 йилларда ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилганлиги, уларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини ўргансин ҳамда 2022 йил 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

**24. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш** ва харажатларнинг самарадорлигини ошириш бўйича “йўл харитаси” 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг** ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 9-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

**26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг** ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 2022 йил 1 январдан 10-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**27.** Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**28.** Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри



**2022 йилда иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг  
чекланган миқдорлари**

млн. сўм

| Т/р       | Бюджет маблағлари тақсимловчиларининг номи  | Сумма              |
|-----------|---|--------------------|
| <b>1.</b> | <b>Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги</b>  | <b>3 086 661,4</b> |
|           | <i>шундан иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар маблағлари:</i>   |                    |
| 1.1.      | «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси  | 58 728,0           |
| 1.2.      | Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази   | 5 044,9            |
| 1.3.      | Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати   | 263 034,9          |
| <b>2.</b> | <b>Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги</b>   | <b>727 921,9</b>   |
|           | <i>шундан иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар маблағлари:</i>   |                    |
| 2.1.      | Ўзбекистон Бадий академияси   | 112 212,0          |
|           | <i>шундан объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар</i>                     | 20 000,0           |
| 2.2.      | Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси  | 19 073,1           |
| <b>3.</b> | <b>Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги</b>  | <b>1 715 025,1</b> |
|           | <i>шундан иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар маблағлари:</i>   |                    |
| 3.1.      | Ўзбекистон футбол ассоциацияси  | 6 205,6            |
| 3.2.      | Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси  | 135 000,0          |
| 3.3.      | Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси   | 30 869,5           |
| 3.4.      | Маданий мерос агентлиги   | 107 877,1          |
| <b>4.</b> | <b>Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги</b>   | <b>415 757,0</b>   |
|           | <i>шундан иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар маблағлари:</i>   |                    |
| 4.1.      | Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги | 10 468,3           |
| <b>5.</b> | <b>Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси</b>  | <b>1 536 404,0</b> |
|           | <i>шундан иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар маблағлари:</i>   |                    |
| 5.1.      | Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги  | 165 948,2          |
|           | <i>шундан объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар</i>                     | 10 000,0           |
| <b>6.</b> | <b>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси</b>   | <b>1 606 061,9</b> |
|           | <i>шундан иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар маблағлари:</i>   |                    |
| 6.1.      | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси                     | 6 775,7            |
| 6.2.      | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази   | 17 843,9           |

| Т/р       | Бюджет маблағлари тақсимловчиларининг номи   | Сумма            |
|-----------|--|------------------|
| 6.3.      | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси   | 2 627,2          |
| 6.4.      | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита   | 113 822,9        |
| 6.5.      | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси              | 6 432,0          |
| 6.6.      | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи  | 3 257,7          |
| 6.7.      | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси   | 12 837,4         |
|           | <i>шундан объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар</i>  | 356,2            |
| 6.8.      | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллий антидопинг агентлиги  | 3 789,9          |
| 6.9.      | «Нурлы жол» ва «Овози тожик» газеталари таҳририятлари  | 1 593,3          |
| 6.10.     | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази   | 15 232,8         |
| 6.11.     | Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази  | 10 194,6         |
| 6.12.     | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази  | 9 394,2          |
| 6.13.     | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси  | 5 000,0          |
| 6.14.     | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги  | 30 440,9         |
| 6.15.     | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази                                | 2 481,2          |
| 6.16.     | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги  | 3 732,5          |
| 6.17.     | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси                         | 5 190,6          |
| <b>7.</b> | <b>Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси</b>  | <b>814 696,6</b> |
|           | <i>шундан иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар маблағлари:</i>  |                  |
| 7.1.      | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси  | 24 725,4         |
| 7.2.      | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси | 10 296,4         |
| 7.3.      | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти   | 23 046,6         |
| 7.4.      | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги   | 89 556,2         |
| 7.5.      | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази  | 18 478,4         |
| 7.6.      | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Тиббиёт бош бошқармаси   | 172 963,0        |
|           | <i>шундан объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар</i>  | 68 511,5         |
| <b>8</b>  | <b>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси</b>  | <b>243 081,9</b> |



| Т/р       | Бюджет маблағлари тақсимловчиларининг номи  | Сумма              |
|-----------|---|--------------------|
|           | <i>шундан иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар маблағлари:</i>   |                    |
| 8.1.      | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди | 82 360,0           |
| 8.2.      | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти   | 10 637,0           |
| <b>9.</b> | <b>Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси</b>  | <b>1 357 273,6</b> |
|           | <i>шундан иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар маблағлари:</i>   |                    |
| 9.1.      | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси   | 442 742,1          |
|           | <i>шундан объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар</i>   | 30 000,0           |
| 9.2.      | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти   | 195 229,9          |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-73-сон қарорига  
2-илова

**2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари**

*млн сўм*

| <b>Т/р</b> | <b>Бюджетлар номи</b>                          | <b>Айланма касса маблағлари</b> |
|------------|--|---------------------------------|
| 1          | Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети | 1 000 000,0                     |
| 2          | Қорақалпоғистон Республикаси бюджети           | 28 200,0                        |
| 3          | Андижон вилоятининг маҳаллий бюджети           | 21 714,0                        |
| 4          | Бухоро вилоятининг маҳаллий бюджети            | 24 828,0                        |
| 5          | Жиззах вилоятининг маҳаллий бюджети            | 13 157,0                        |
| 6          | Қашқадарё вилоятининг маҳаллий бюджети         | 22 709,0                        |
| 7          | Навоий вилоятининг маҳаллий бюджети            | 12 100,0                        |
| 8          | Наманган вилоятининг маҳаллий бюджети          | 19 524,0                        |
| 9          | Самарқанд вилоятининг маҳаллий бюджети         | 36 279,0                        |
| 10         | Сурхондарё вилоятининг маҳаллий бюджети        | 17 260,0                        |
| 11         | Сирдарё вилоятининг маҳаллий бюджети           | 12 078,0                        |
| 12         | Тошкент вилоятининг маҳаллий бюджети           | 32 417,0                        |
| 13         | Фарғона вилоятининг маҳаллий бюджети           | 26 900,0                        |
| 14         | Хоразм вилоятининг маҳаллий бюджети            | 17 747,0                        |
| 15         | Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджети             | 34 324,0                        |



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 30 декабрдаги ПҚ–73-сон қарорига  
3-илова

**2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари  
прогнози**

млрд сўм

| <b>Т/р</b>               | <b>Кўрсаткичлар</b>                                      | <b>Сумма</b>     |
|--------------------------|--|------------------|
| <b>Жами - даромадлар</b> |  | <b>200 000,0</b> |
| <b>1</b>                 | <b>Бевосита солиқлар</b>                                 | <b>63 330,5</b>  |
| 1.1                      | Фойда солиғи   | 38 557,2         |
| 1.2                      | Айланмадан олинадиган солиқ                              | 2 728,3          |
| 1.3                      | Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи            | 22 045,0         |
| <b>2</b>                 | <b>Билвосита солиқлар</b>                                | <b>73 164,9</b>  |
| 2.1                      | Қўшилган қиймат солиғи                                   | 53 300,0         |
| 2.2                      | Акциз солиғи   | 15 038,3         |
| 2.3                      | Божхона божи   | 4 826,6          |
| <b>3</b>                 | <b>Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи</b>               | <b>22 740,5</b>  |
| 3.1                      | Мол-мулк солиғи  | 3 173,8          |
| 3.2                      | Ер солиғи  | 4 253,3          |
| 3.3                      | Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ                    | 14 403,5         |
| 3.4                      | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ              | 910,0            |
| <b>4</b>                 | <b>Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган бошқа тушумлар</b> | <b>40 764,1</b>  |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 30 декабрдаги ПҚ–73-сон қарорига  
4-илова

**Фойда солиғи тўлиқлигича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтириладиган  
йирик солиқ тўловчилар рўйхати**

| <b>Т/р</b> | <b>Солиқ тўловчиларнинг номи</b>                        | <b>Солиқ тўловчининг<br/>идентификация<br/>рақами (СТИР)</b> |
|------------|---|--|
| 1          | "Andijon gidroelektrstansiya" УК                        | 200248365  |
| 2          | "Angren issiqlik elektr stansiyasi" АЖ                  | 200595949  |
| 3          | "Asia trans gas" МЧЖ                                    | 206948470  |
| 4          | "Baraka holding" МЧЖ                                    | 305162024  |
| 5          | "Bekobodsement" АЖ                                      | 200459808  |
| 6          | "Buxoro neftni qayta ishlash zavodi" МЧЖ                | 202080378  |
| 7          | "Chirchiq gidroelektrstansiyalar kaskadi" УК            | 200942018  |
| 8          | "Chirchiq transformator zavodi" АЖ                      | 200941525  |
| 9          | "Coca-cola ichimligi Uzbekiston, Ltd" МЧЖ               | 200798458  |
| 10         | "Coscom" МЧЖ  | 201788904  |
| 11         | "Epsilon development company" МЧЖ                       | 305922787  |
| 12         | "Ertoshsoy gidroelektrstansiya" УК                      | 207151221  |
| 13         | "Farg'ona issiqlik elektr markazi" АЖ                   | 200202146  |
| 14         | "Fargona neftni qayta ishlash zavodi" МЧЖ               | 200202099  |
| 15         | "Farg'onaazot" АЖ                                       | 200202240  |
| 16         | "Farhod GES" УК   | 202256591  |
| 17         | "Gissarneftgaz" МЧЖ                                     | 205678302  |
| 18         | "GM O`zbekiston" АЖ Хоразм филиали                      | 207228908  |
| 19         | "Hisorak gidroelektrstansiya" УК                        | 206976058  |
| 20         | "International beverages Tashkent" МЧЖ                  | 301975029  |
| 21         | "Islom Karimov nomidagi Toshkent xalqaro aeroporti" МЧЖ | 200640719  |
| 22         | "Issiqlik elektr stansiyalari" АЖ                       | 306349304  |
| 23         | "JV MAN Auto-Uzbekistan" МЧЖ                            | 301305243  |
| 24         | "Ketring" МЧЖ   | 201676062  |
| 25         | "Ko'kdumaloqgaz" МЧЖ                                    | 205222807  |
| 26         | "Maxam-Chirchiq" АЖ                                     | 200941518  |
| 27         | "Jarkurgonneftqaytaishlash" МЧЖ                         | 204917978  |
| 28         | "Muborak issiqlik elektr markazi" АЖ                    | 200698044  |
| 29         | "Natural gas-stream" МЧЖ                                | 207245357  |
| 30         | "Navoiy issiqlik elektr stansiyasi" АЖ                  | 200850647  |



| Т/р | Солиқ тўловчиларнинг номи   | Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) |
|-----|---|---|
| 31  | "Navoiy kon-metallurgiya kombinati" АЖ                                | 308425864                                     |
| 32  | "Navoiyuran" ДК   | 201204514                                     |
| 33  | "Navoiy xalqaro aeroporti" МЧЖ  | 200003243                                     |
| 34  | "Navoiyazot" АЖ   | 200002933                                     |
| 35  | "O`ztemiryo`lkonteyner" АЖ  | 203607858                                     |
| 36  | "Ohangaronsement" АЖ  | 200463344                                     |
| 37  | "Olmaliq kon-metallurgiya kombinati" АЖ                               | 202328794                                     |
| 38  | "O'zaeronavigatsiya" markazi" ДУК                                     | 201052000                                     |
| 39  | "O'zavtosanoat" АЖ  | 201053918                                     |
| 40  | "Andijon gidroelektrstansiya-2" УК                                    | 207068774                                     |
| 41  | "Katta Farg'ona kanalidagi kichik gidroelektrostansiyalar kaskadi" УК | 305909492                                     |
| 42  | "O'rta Chirchiq gidroelektrstansiyalari kaskadi" УК                   | 200439436                                     |
| 43  | "Ohangaron gidroelektrstansiya" УК                                    | 301266689                                     |
| 44  | "Tuyabo'g'iz kichik gidroelektrstansiya" УК                           | 305916113                                     |
| 45  | "Tuyamo'yin gidroelektrostansiyasi" УК                                | 200209151                                     |
| 46  | "Qodiriya gidroelektrstansiyalar kaskadi" УК                          | 200605332                                     |
| 47  | "O'zbekgidroenergo" АЖ  | 304952767                                     |
| 48  | "O'zbekiston metallurgiya kombinati" АЖ                               | 200460222                                     |
| 49  | "O'zbekiston milliy elektr tarmoqlari" АЖ                             | 306347741                                     |
| 50  | "O'zbekiston Respublikasi tovar-xomashyo birjasi" АЖ                  | 200933985                                     |
| 51  | "O'zbekiston temir yo'llari" АЖ                                       | 201051951                                     |
| 52  | "O'zbekneftgaz" АЖ  | 200837914                                     |
| 53  | "O'zbektelekom" АЖ  | 203366731                                     |
| 54  | "O'zelektroapparat-electroshield" АЖ                                  | 201052167                                     |
| 55  | "O'ztransgaz" АЖ  | 200626188                                     |
| 56  | "Perfect plast profil" АЖ   | 303431839                                     |
| 57  | "Qizilqumsement" АЖ   | 200002878                                     |
| 58  | "Quvasoycement" АЖ  | 200124805                                     |
| 59  | "Quy-i-Bo'zsuv gidroelektrstansiyalar kaskadi" УК                     | 200588275                                     |
| 60  | "Rubicon wireless communication" МЧЖ                                  | 201501439                                     |
| 61  | "Samarqand avtomobil zavodi" МЧЖ ҚК                                   | 202137344                                     |
| 62  | "Samarqand gidroelektrstansiyalari kaskadi" УК                        | 205240509                                     |
| 63  | "Samarqand xalqaro aeroporti" МЧЖ                                     | 200791776                                     |
| 64  | "Shahrixon gidroelektr stansiyalar kaskadi" УК                        | 205244122                                     |
| 65  | "Sho'rtan gaz kimyo majmuasi" МЧЖ                                     | 203195074                                     |
| 66  | "Sirdaryo issiqlik elektr stansiyasi" АЖ                              | 201169179                                     |

| <b>Т/р</b> | <b>Солиқ тўловчиларнинг номи</b>                 | <b>Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР)</b> |
|------------|--|--|
| 67         | "Tahiyatosh issiqlik elektr stansiyasi" АЖ       | 200366401  |
| 68         | "Talimarjon issiqlik elektr stansiyasi" АЖ       | 201284979  |
| 69         | "Tashkent tobacco" МЧЖ                           | 205442074  |
| 70         | "To'palang gidroelektrstantsiya" УК              | 206695638  |
| 71         | "To'raqo'rg'on issiqlik elektr stansiyasi" УК    | 306455520  |
| 72         | "Toshkent gidroelektrstansiyalari kaskadi" УК    | 200796373  |
| 73         | "Toshkent issiqlik elektr stansiya" АЖ           | 200605388  |
| 74         | "Toshkent issiqlikelektrmarkazi" АЖ              | 200624673  |
| 75         | "Toshkentvino kombinati" АЖ                      | 200547634  |
| 76         | "Unitel" МЧЖ                                     | 201838002  |
| 77         | "Universal mobile systems" МЧЖ                   | 303020732  |
| 78         | "Uzauto motors" АЖ                               | 200244767  |
| 79         | "Uzauto trailer" МЧЖ                             | 302320834  |
| 80         | "Uzbat" АЖ                                       | 200987017  |
| 81         | "Uzbekistan airways" АЖ                          | 306628114  |
| 82         | "Uzbekistan airways technics" МЧЖ                | 200640797  |
| 83         | "Uzbekistan GTL" МЧЖ                             | 207041936  |
| 84         | "VL Galperin nomidagi Toshkent truba zavodi" МЧЖ | 200897524  |
| 85         | "Yangi Angren issiqlik elektr stansiyasi" АЖ     | 200595838  |
| 86         | "Sanoat energetika guruhi" МЧЖ                   | 304936120  |
| 87         | "Hududgazta'minot" АЖ                            | 306605769  |
|            | 33 та тижорат банклари                           |  |

*\*Изоҳ: Рўйхатда қайд этилган корхоналар бошқа корхоналар таркибига кирганда ва бошқа корхона билан бирлашганда ёки қайта ташкил этилган ҳолатларда ушбу рўйхатга тўғридан-тўғри киритилади.*



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 30 декабрдаги ПҚ–73-сон қарорига  
5-илова

**"Навоий кон-металлургия комбинати" АЖ ва "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" АЖ учун  
фойда солиғи ставкалари**

| Т/р | Солиқ солиш объекти   | Солиқ ставкаси,<br>фоизда |
|-----|---|---------------------------|
| 1   | Солиқ солиш базасининг, товар (иш, хизмат) реализация қилишдан тушган тушумнинг 15<br>фоизига тенг миқдордаги қисмига | 15                        |
| 2   | Солиқ солиш базасининг қолган қисмига   | 50                        |

**2022 йил 31 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда  
божхона божининг ноль ставкалари қўлланиладиган товарлар  
РЎЙХАТИ**

| Т/р | ТИФ ТН коди   | Товар номи  |
|-----|---------------|---|
| 1.  | 0207          | 0105-товар позициясида кўрсатилган янги сўйилган, совутилган ёки музлатилган уй паррандаси гўшти ва қўшимча озуқабоп маҳсулотлар  |
| 2.  | 110100        | Буғдой уни ёки буғдой-жавдар уни  |
| 3.  | 1104          | 1006-товар позициясида кўрсатилган гуручдан ташқари бошқа усулларда қайта ишланган (масалан, оқшоқ ёки янчилган кўринишда пўсти тозаланган, босилган, ёрма қилиб қайта ишлов берилган, оқланган) бошоқли донлар;<br>бутун, ёрма кўринишида босилган ёки янчилган бошоқли дон муртаги  |
| 4.  | 1512          | Кимёвий таркиби ўзгартирилмаган ҳолда тозаланган ёки тозаланмаган кунгабоқар, махсар ёки пахта мойи ва уларнинг фракциялари   |
| 5.  | 3401,<br>3402 | Совун; таркибига совун қўшилган ёки қўшилмаган, бруслар шаклидаги ёки қолипланган буюмлар кўринишидаги совун сифатида ишлатиладиган юзага фаол таъсир кўрсатувчи органик моддалар ва воситалар;<br>суюқлик ёки крем кўринишидаги ва чакана сотиш учун қадоқланган, таркибига совун қўшилган ёки қўшилмаган, юзага фаол таъсир кўрсатувчи органик моддалар ва терини ювиш воситалари;<br>юзага фаол таъсир кўрсатувчи органик моддалар (совундан ташқари); таркибига совун қўшилган ёки қўшилмаган (3401-товар позициясидан ташқари) юзага фаол таъсир кўрсатувчи моддалар, ювиш воситалари (шу жумладан, ёрдамчи ювиш воситалари) ва тозалаш воситалари |



**2022-2024 йиллар учун биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет харажатлари ва ривожлантириш дастурларининг  
МАҚСАДЛИ ИНДИКАТОРЛАРИ**

| Т/р         | Ривожлантириш дастури ва мақсадли индикаторлар номи   | Ўлчов<br>бирлиги | 2022 йил учун<br>прогноз | Мақсадли мўлжаллар* |                 |
|-------------|---|------------------|--------------------------|---------------------|-----------------|
|             |   |                  |                          | 2023 йил            | 2024 йил        |
| <b>1.</b>   | <b>Халқ таълими вазирлиги</b>   | <b>млрд сўм</b>  | <b>25 816,1</b>          | <b>27 623,2</b>     | <b>29 556,8</b> |
|             | <b>Стратегик мақсад:</b> Умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш   |                  |                          |                     |                 |
|             | <i>шундан:</i><br><b>ривожлантириш дастурларига ажратилган маблағ</b>   | <b>млрд сўм</b>  | <b>782,0</b>             | <b>836,7</b>        | <b>895,3</b>    |
| <b>1.1.</b> | <b>Дастур номи:</b> Умумтаълим мактабларини кенг полосали Интернет тармоғига улаш дастури   | <b>млрд сўм</b>  | <b>152,0</b>             | <b>162,6</b>        | <b>174,0</b>    |
|             | <b>Дастур мақсади:</b> Электрон таълим ресурсларини янада такомиллаштириш, шунингдек, ички ва жаҳон таълим ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш   |                  |                          |                     |                 |
|             | <b>Якуний натижа кўрсаткичи</b>   |                  |                          |                     |                 |
|             | Раҳбар ходимларнинг АКТ бўйича саводхонлигини ошириш ҳамда информатика фани ўқитувчиларини дастурлаш бўйича малака кўникмаларининг мавжудлиги даражаси (жами мактаб раҳбар ходимлари ва информатика фани ўқитувчилари сонига нисбатан)  | фоиз             | 8,0                      | 16,0                | 24,0            |
|             | Умумтаълим мактабларини кенг полосали Интернет тармоғига уланганлик (Ички локал тармоқ ва Wi-Fi билан таъминланганлик) даражаси (жами мактаблар сонига нисбатан)  | фоиз             | 70,0                     | 90,0                | 100,0           |
|             | <b>Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи</b>  |                  |                          |                     |                 |
|             | Wi-Fi ва ички локал тармоқ яратилган мактаблар сони   | дона             | 3 200,0                  | 3 200,0             | 1 000,0         |
|             | АКТ бўйича саводхонлиги ва малакаси оширилган раҳбар ходимлар сони  | нафар            | 1 200,0                  | 1 200,0             | 1 200,0         |
|             | Дастурлаш тилларига ва замонавий ахборот технологиялари курсларида ўқитиладиган информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчилари сони  | нафар            | 3 100,0                  | 3 100,0             | 3 100,0         |
|             | Компьютер ускуналари ва ягона "Электрон таълим" тармоғи билан техник қўллаб-қувватладиган мактаблар сони  | дона             | 5 000,0                  | 5 000,0             | 5 000,0         |
|             | Ягона "Электрон таълим" тармоғини яратиш ва уни бошқариш тизими жорий қилинадиган мактаблар сони  | дона             | 3 200,0                  | 3 200,0             | 2 100,0         |
|             | Ўқув хоналарини интерактив доска билан таъминладиган мактаблар сони   | дона             | 800,0                    | 800,0               | 800,0           |
|             | Умумтаълим муассасаларида "Электрон таълим" тармоғи учун яратиладиган (видео) контентлар сони   | дона             | 400,0                    | 400,0               | 400,0           |
|             | "Хавфсиз мактаб" лойиҳаси (биометрик идентификация камералар ва дастурлар ёрдамида ўқувчилар давоматини назорат қилишнинг ягона электрон аппарат дастури) жорий қилинадиган мактаблар сони  | дона             | 130,0                    | 300,0               | 500,0           |
|             | Компьютер синф хоналаридан самарали фойдаланиш, жумладан ўқитувчиларни маҳаллий ва халқаро оммавий очиқ онлайн курсларда ("Ёш дастурчи" (code.org), "Бир миллион ўзбек дастурчилари" ва бошқалар) ўқитишни самарали йўлга қўйиш ва рағбатлантириш орқали жалб этиладиган ўқувчилар сони | нафар            | 50 000,0                 | 50 000,0            | 50 000,0        |
| <b>1.2.</b> | <b>Дастур номи:</b> Ўқувчиларнинг саводхонлик даражасини баҳолашга йўналтирилган PISA (The Programme for International Student Assessment) умумтаълим мактабларида таълим сифатини баҳолашнинг миллий тизимини яратиш дастури   | <b>млрд сўм</b>  | <b>25,0</b>              | <b>26,8</b>         | <b>28,6</b>     |
|             | <b>Дастур мақсади:</b> Халқаро баҳолаш тадқиқотларида иштирок этиб, математика, она тили бўйича таълим сифатини аниқлаш ҳамда халқаро рейтинг ва индексларда муносиб ўринни эгаллаш   |                  |                          |                     |                 |
|             | <b>Якуний натижа кўрсаткичи</b>   |                  |                          |                     |                 |



| Т/р         | Ривожлантириш дастури ва мақсадли индикаторлар номи   | Ўлчов бирлиги        | 2022 йил учун прогноз | Мақсадли мўлжаллар* |                 |
|-------------|---|----------------------|-----------------------|---------------------|-----------------|
|             |   |                      |                       | 2023 йил            | 2024 йил        |
|             | Халқ таълими муассасалари ўқувчиларининг халқаро PISA баҳолаш дастури тадқиқотларида эришган натижаларига кўра Ўзбекистоннинг иштирокчи давлатлар рейтингдаги ўрни                                | ўрин                 | -                     | 80,0                | 80,0            |
|             | <b>Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи</b>  |                      |                       |                     |                 |
|             | Умумтаълим мактабларидаги ўқитувчилар орасида олий тоифали ўқитувчиларнинг улуши  | фоиз                 | 8,0                   | 10,0                | 12,0            |
|             | Умумтаълим мактабларидаги ўқитувчилар орасида биринчи тоифали ўқитувчиларнинг улуши   | фоиз                 | 20,0                  | 23,0                | 23,0            |
|             | Умумтаълим мактабларидаги ўқитувчиларнинг умумий сонидан олий маълумотли ўқитувчиларнинг улуши  | фоиз                 | 92,0                  | 93,0                | 94,0            |
| <b>1.3.</b> | <b>Дастур номи:</b> Дарсликлар ҳамда бошқа ўқув қўлланмалари билан таъминлаш дастури  | <b>млрд сўм</b>      | <b>605,0</b>          | <b>647,4</b>        | <b>692,7</b>    |
|             | <b>Дастур мақсади:</b> Миллий ўқув дастури асосида янги авлод дарсликлари, машқ дафтари, ўқитувчи қўлланмасини яратиш ва чоп этиш   |                      |                       |                     |                 |
|             | <b>Якуний натижа кўрсаткичи</b>   |                      |                       |                     |                 |
|             | Тегишли фан бўйича методик қўлланмалар билан таъминланган ўқитувчилар улуши (жами ўқитувчилар сонига нисбатан)  | фоиз                 | 40,0                  | 70,0                | 100,0           |
|             | Дарсликлар ҳамда бошқа ўқув қўлланмалар билан таъминланган ўқувчилар улуши (жами ўқувчилар сонига нисбатан)   | фоиз                 | 50,0                  | 75,0                | 100,0           |
|             | <b>Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи</b>  |                      |                       |                     |                 |
|             | Ўқитувчиларни тегишли фан бўйича методик қўлланмалар билан таъминлаш  | минг нусха           | 1 510,9               | 1 040,8             | 1 016,1         |
|             | Ўқувчиларни дарсликлар ҳамда бошқа ўқув қўлланмалар билан таъминлаш   | минг нусха           | 26 407,7              | 23 822,0            | 14 755,7        |
| <b>2.</b>   | <b>Мактабгача таълим вазирлиги</b>  | <b>млрд сўм</b>      | <b>6 491,5</b>        | <b>6 946,0</b>      | <b>7 432,2</b>  |
|             | <b>Стратегик мақсад:</b> Мамлакатимизда ўсиб бораётган авлодни соғлом ва ҳар томонлама етук вояга етказиш, таълим-тарбия жараёнига самарали таълим ва тарбия шакллари ҳамда усулларини жорий этиш |                      |                       |                     |                 |
|             | <i>шундан:</i><br><b>ривожлантириш дастурларига ажратилган маблағ</b>   | <b>млрд сўм</b>      | <b>1 722,3</b>        | <b>1 842,8</b>      | <b>1 971,8</b>  |
| 21. | “Очиқ бюджет” ахборот порталида вазирлик ва идораларнинг бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятида мақсадли индикаторлар ижросини мониторинг қилиш ва ҳисоботини тузиш ҳамда унинг кенг жамоатчиликка очиқлигини таъминлаш тизимини ишга тушириш.   | Амалий ташкилий чора-тадбирлар      | 2022 йил<br>1 июль     | Молия вазирлиги   |
| 22. | Жаҳон банкининг давлат харажатлари ва молиявий ҳисобдорлик мезонлари бўйича Ўзбекистон Республикасида давлат молиясини бошқариш самарадорлигини баҳолашдан ўтказиш ва унинг натижаси бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.   | Амалий ташкилий чора-тадбирлар      | 2022 йил<br>1 ноябрь   | Молия вазирлиги   |
| 23. | Халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда Давлат бюджети харажатларини барқарор ривожлантириш мақсадларига боғлаш, шу жумладан, “яшил” бюджетлаштириш тамойилларини жорий қилиш услубиётини ишлаб чиқиш, шу орқали барқарор ривожланишнинг миллий мақсадларига эришиш учун йўналтирилаётган бюджет харажатларини баҳолаш тизимини жорий қилиш. | Амалий ташкилий чора-тадбирлар      | 2022 йил<br>1 сентябрь | Молия вазирлиги   |
| 24. | Хизмат сафари харажатларини ҳисоблаш ва уларни молиялаштириш тартиби ва нормативларини қайта кўриб чиқиш.   | Вазирлар<br>Маҳкамасининг<br>қарори | 2022 йил<br>1 май      | Молия вазирлиги,<br>Бандлик ва меҳнат<br>муносабатлари<br>вазирлиги,<br>Инвестициялар<br>ва ташқи савдо<br>вазирлиги,<br>Ташқи ишлар<br>вазирлиги |
| 25. | Педагог ўқитувчиларга берилган амалда бўлган барча малака тоифалари сертификатларининг электрон базасини шакллантириш, унинг Халқ таълими ва Молия вазирлигининг ойлик иш ҳақи харажатларини шакллантириш ҳамда ҳисоблаш бўйича электрон дастурлари билан   | Амалий ташкилий чора-тадбирлар      | 2022 йил<br>1 апрель   | Таълим сифатини<br>назорат қилиш<br>давлат инспекцияси,<br>Молия вазирлиги  |



| Т/р | Чора-тадбирлар номи   | Амалга ошириш шакли                                | Ижро муддатлари      | Масъул ижрочилар   |
|-----|---|--|----------------------|--|
|     | интеграция қилинишини таъминлаш.  |  |                      |  |
| 26. | <p>“Соғлом турмуш тарзи” платформасини янада оммалаштириш, унга ўрта ва юқори даромад олувчи аҳолини ҳам жалб этиш орқали соғломлаштириш кўламини кенгайтириш. Бунда:</p> <p>бир сутка давомида ўн минг ва ундан ортиқ қадам юрган фуқароларга ютуқли номерланган купонлар бериш;</p> <p>ҳар ой якуни билан ютуқли номерланган купонлар ўртасида қимматбаҳо совринлар учун ўйинлар ўтказишни назарда тутиш.</p> | Вазирлар<br>Маҳкамасининг<br>қарори                | 2022 йил<br>1 март   | Туризм ва спорт<br>вазирлиги,<br>манфаатдор<br>вазирлик<br>ва идоралар   |
| 27. | Ободонлаштириш соҳасида давлат-хусусий шериклиги ва аутсорсинг механизмларини жорий қилиш.  | Ўзбекистон<br>Республикаси<br>Президенти<br>қарори | 2022 йил<br>1 июнь   | Уй-жой коммунал<br>хизмат кўрсатиш<br>вазирлиги,<br>Қорақалпоғистон<br>Республикаси<br>Вазирлар Кенгаши,<br>вилоятлар ва Тошкент<br>шаҳар ҳокимликлари,<br>Молия вазирлиги |
| 28. | Бюджет ташкилотларида электр энергияси сарфини камайтириш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идораларнинг бошқарув биноларида электр мосламаларини “ақлли” лампалар билан алмаштириш.  | Чора-тадбирлар<br>режаси                           | 2022 йил<br>1 апрель | Энергетика<br>вазирлиги,<br>Қурилиш вазирлиги,<br>Молия вазирлиги  |
| 29. | Ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликларига қарши амалга ошириладиган вакцинация тадбирларини ўтказишни такомиллаштириш, жумладан чет эл тажрибасини ўрганган ҳолда, вакцинация тадбирларини ўтказиш ва уларни молиялаштиришни замонавий ва шаффоф механизмлар асосида амалга оширишни назарда тутувчи янги тизим жорий этиш.  | Вазирлар<br>Маҳкамасининг<br>қарори                | 2022 йил<br>1 июнь   | Ветеринария<br>ва чорвачиликни<br>ривожлантириш<br>давлат қўмитаси,<br>Молия вазирлиги   |
| 30. | <p>Солиқ органларида мавжуд маълумотлар асосида солиқ ва статистик ҳисоботларни автоматик тарзда солиштириш тартибини жорий этиш.</p> <p>Бунда, статистик ҳисоботнинг алоҳида устунларини солиқ ва молиявий</p>   | Амалий ташкилий<br>чора-тадбирлар                  | 2022 йил<br>1 март   | Давлат солиқ<br>қўмитаси,<br>Давлат статистика   |

| Т/р | Чора-тадбирлар номи   | Амалга ошириш шакли           | Ижро муддатлари       | Масъул ижрочилар  |
|-----|---|-------------------------------|-----------------------|---|
|     | ҳисоботларида кўрсатилган маълумотлари асосида автоматик равишда тўлдиришни назарда тутиш.  |                               |                       | қўмитаси  |
| 31. | Товар-транспорт юк хатларини ва товар-моддий бойликлар учун ишончномаларни электрон шаклда расмийлаштириш.  | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат       | 2022 йил<br>1 июль    | Давлат солиқ қўмитаси,<br>Молия вазирлиги   |
| 32. | Ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ер участкаларида, шунингдек, давлат мулки бўлган бино ва иншоотларда жойлаштириш тартибини такомиллаштириш.  | Чора-тадбирлар режаси         | 2022 йил<br>1 апрель  | Монополияга қарши курашиш қўмитаси,<br>Қорақалпоғистон Республикаси<br>Вазирлар Кенгаши,<br>вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 33. | Солиқ органлари томонидан давлат органларининг маълумотлар базаларидан реал вақт режимида солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини аниқлаш учун зарур бўлган маълумотларидан фойдаланиш тартибини жорий этиш.   | Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 2022 йил<br>1 апрель  | Давлат солиқ қўмитаси   |
| 34. | Тенг рақобат муҳитини яратиш, солиқ тўлашдан бўйин товлаш фактларининг олдини олиш ва товар (хизмат)ларнинг маълум бир гуруҳини (кейинчалик уни кенгайтириш имконияти билан) солиққа тортиш учун солиқ органлари томонидан бозор нархларини қўллаш тартибини тасдиқлаш.   | Вазирлар Маҳкамасининг қарори | 2022 йил<br>1 март    | Давлат солиқ қўмитаси   |
| 35. | Солиқ имтиёзларини тақдим этишда товар (хизмат)ларни реализация қилиш бўйича айланмани ёки уларни реализация қилишдан олинган даромадларни озод қилишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда озод этиладиган товар (хизмат)ларнинг Маҳсулот (товар ва хизмат)лар ягона электрон миллий каталогидаги идентификация кодларини кўрсатиш тартибини тасдиқлаш. | Қўшма қарор                   | 2022 йил<br>1 апрель  | Давлат солиқ қўмитаси,<br>Давлат божхона қўмитаси,<br>Молия вазирлиги   |
| 36. | Вазирлар Маҳкамаси даромадлар прогнозининг ҳудудлар ва даромад турлари кесимида бажарилишини таъминлаш юзасидан   | Амалий чора-тадбирлар режаси  | 2022 йил<br>1 февраль | Молия вазирлиги,<br>Давлат солиқ  |



| Т/р | Чора-тадбирлар номи  | Амалга ошириш шакли              | Ижро муддатлари      | Масъул ижрочилар   |
|-----|--|----------------------------------|----------------------|--|
|     | комплекс чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш.  |                                  |                      | қўмитаси,<br>Давлат божхона<br>қўмитаси  |
| 37. | Давлат даромадига ўтказилган маблағлар ва мол-мулкни олиб қўйиш, сотишдан тушган маблағларни мол-мулкни олиб қўйган органнинг тегишли ғазна ҳисобварағида сақлашни босқичма-босқич жорий этиш.   | Вазирлар<br>Маҳкамаси<br>қарори  | 2022 йил<br>1 март   | Молия вазирлиги,<br>тегишли давлат<br>органлари  |
| 38. | Ўзбекистон Республикасида дастурий бюджетлаштириш тизимини жорий этишда ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, ижросини таъминлаш ва уларни самарадорлигини баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш.  | Вазирлар<br>Маҳкамаси<br>қарори  | 2022 йил<br>1 апрель | Молия вазирлиги  |
| 39. | Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлари ижросини таъминлаш.<br>Бунда, норуда фойдали қазилмалар ҳажми ва нархи устидан доимий назорат ўрнатиш ҳамда кон ва карьерларни тўлиқ хатловдан ўтказган ҳолда улардан фойдаланишни аукционга чиқариш чоралари кўрилишини назарда тутиш. | Амалий чора-<br>тадбирлар режаси | 2022 йил<br>1 март   | Давлат солиқ<br>қўмитаси,<br>Геология ва минерал<br>ресурслар давлат<br>қўмитаси,<br>Қорақалпоғистон<br>Республикаси<br>Вазирлар Кенгаши,<br>вилоятлар ва<br>Тошкент шаҳар<br>ҳокимликлари |

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 30 декабрдаги ПҚ–73-сон қарорига  
9-илова

## **Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги ПҚ–2847-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 9-банди:

а) 1-кичик бандида:

ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Солиқ маслаҳатчилари палатаси томонидан тасдиқланган солиқ маслаҳатчиларини ўқитиш ва малакасини ошириш дастурларини ҳамда солиқ маслаҳатчисининг малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини келишади. Шунингдек, солиқ маслаҳатчилари реестрини ўзининг расмий сайтида эълон қилади ва уни мунтазам янгилаб боради;

солиқ маслаҳатчисининг малака сертификатини олиш учун номзодларни ўқитишни ташкил этишда ва малака имтиҳонларини ўтказишда Ўзбекистон Солиқ маслаҳатчилари палатасига техник ва услубий ёрдам кўрсатади”;

б) 3-кичик банди қуйидаги таҳрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“бюджет таснифини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, шунингдек унга 6 ой якуни бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритади. Шу билан бирга, бюджет таснифига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишдан олдин Молия вазирлигининг ахборот тизимида тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши мумкин”;

в) 14-кичик банднинг еттинчи хатбошида “солиқ маслаҳати,” сўзлари чиқариб ташлансин.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ–3454-сон қарорининг 9-банди чиқариб ташлансин.



**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3953-сон қарорининг 3-банди қўйидаги таҳрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда, рўйхатдаги товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат хариди бўйича тузилган шартномалар ва уларга қўшимча келишувлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” давлат унитар корхонасида комплекс экспертизадан ўтказилмайди, бундан қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш минг (бюджет буюртмачилари учун олти минг) баравари миқдоридан ошган шартномалар ва уларга қўшимча келишувлар мустасно”.

**4.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–3870-сон қарорининг 6-бандида:

а) иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

б) учинчи ва тўртинчи хатбошилар тегишинча иккинчи ва учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**5.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020–2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ–4086-сон қарорининг 42-бандидаги “2022” рақами “2024” рақами билан алмаштирилсин.

**6.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги “Банкротлик таомилларини янада соддалаштириш ва суд бошқарувчилари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4146-сон қарорининг 3-банди “б” кичик бандида:

а) учинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“соддалаштирилган тартиби қўлланилганда, агар қарздор билан бошқача келишув белгиланган бўлмаса, суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш харажатларининг ўрни қарздорга нисбатан тўловга қобилиятсизлик ҳақида иш қўзғатиш тўғрисида ариза берган солиқ органи томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади. Бунда, суд бошқарувчисига

ҳақ тўлаш учун суднинг депозит ҳисобварағига базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида олдиндан тўлов амалга оширилади”;

б) тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ–4412-сон қарори билан тасдиқланган 2019–2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини жадал ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”нинг 2-позицияси чиқариб ташлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4699-сон қарорида:

а) 9-банднинг тўртинчи хатбошиси “11,25 фоизи” сўзларидан кейин “(автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш бўйича давлат хизматлари бундан мустасно)” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 6-илованинг 28-бандида:

28.1.3 позицияси “Амалга ошириш муддати” устунидаги “2020 йил октябрь – 2021 йил апрель” сўзлари “2020 йил октябрь – 2022 йил август” сўзлари билан алмаштирилсин.

28.2.3 позицияси “Амалга ошириш муддати” устунидаги “2020 йил октябрь – 2021 йил сентябрь” сўзлари “2020 йил октябрь – 2024 йил декабрь” сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан ва халқаро ташкилотларга аъзоликдан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажариш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4756-сон қарорида:

а) 1-иловада:

13-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

|    |                 |  |
|----|-----------------|--|
| 13 | Молия вазирлиги | Суғурта назоратчилари халқаро уюшмаси            |
|    |                 | Қимматли қоғозлар комиссиялари халқаро ташкилоти |

”;

39<sup>1</sup>-позиция чиқариб ташлансин;

б) 2-илованинг 21-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Агар аввалги йиллар бўйича ёки дастлабки ҳисобланган бадал миқдори билан ҳақиқатда тўланиши лозим бўлган бадал миқдори



ўртасидаги фарқ натижасида юзага келган қарздорликни тўлаб бериш учун ваколатли органларнинг жорий йилдаги бюджет параметрларида маблағлар етарли бўлганда ушбу қарздорликлар тўлаб берилади”.

**10.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПҚ–4779-сон қарори билан тасдиқланган Иқтисодиёт тармоқларининг йирик энергия сарфловчи корхоналарида энергия самарадорлигини ошириш ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича “Йўл харитаси”нинг 8-позицияси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**11.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 августдаги ПҚ–4797-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими ва манфаатдор вазирлик ва идоралар ахборот тизимлари ўртасида ўзаро электрон ҳамкорликни янада яхшилаш ва кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар дастурининг 7-позицияси “Бажариш муддати” устунидаги “2021 йил 1 ноябргача” сўзлари “2022 йил 1 апрелгача” сўзлари билан алмаштирилсин.

**12.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Иқтидорли ёшларни саралаб олиш тизими ва академик лицейлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4910-сон қарорининг 17-банди “г” кичик бандидаги “таълим муассасаси раҳбарининг” сўзлари “таълим муассасаси директорининг (ижрочи директорининг)” сўзлари билан алмаштирилсин.

**13.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 январдаги “Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4954-сон қарорнинг 14-бандида:

а) қуйидаги таҳрирдаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“давлат муассасаси ҳамда қобилиятли ёш шахматчиларни танлаб олувчи ва тайёрловчи ҳамда шахмат бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлашга йўналтирилган мактабдан ташқари спорт-таълим муассасаси ҳисобланади”;

б) иккинчи – тўққизинчи хатбошилар тегишинча учинчи – ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**14.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–5185-сон қарори 8-банднинг учинчи

хатбошисидаги “республика бюджетидан” сўзлари “Давлат бюджетидан” сўзлари билан алмаштирилсин.

**15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5199-сон қарорида:**

а) 1-банднинг “г” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2022 йил 1 октябрдан бошлаб мазкур қарорга 2-иловага мувофиқ давлат тиббиёт муассасаларида молиялаштиришнинг янги механизми асосида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тартиби жорий этилади. Мазкур тартиб жорий этилгунга қадар ушбу давлат тиббиёт муассасалари Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тақсимотга мувофиқ харажатлар таснифининг бир сатрида молиялаштирилади. Бунда, тиббиёт муассасалари томонидан бюджет маблағлари ҳисобидан кўрсатилган тиббий хизматлар бўйича Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига ойлик ҳисобот тақдим этилади”;

б) 2-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**“2022 йил 1 октябрдан бошлаб Давлат бюджети маблағлари ҳисобига имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тизимига ўтказиладиган тиббиёт муассасалари рўйхати**

1. Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергология маркази.
2. Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган маркази.
3. Республика кўз касалликлари клиник шифохонаси.
4. Республика тери-таносил касалликлари клиник шифохонаси.
5. 2-сонли Республика клиник шифохонаси.
6. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг кўп тармоқли клиникаси.
7. Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси.
8. Самарқанд давлат тиббиёт институти клиникаси.
9. Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси.



10. Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали клиникаси

11. Тошкент давлат стоматология институти клиникаси.

12. Оролбўйи минтақаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази”.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 августдаги “Автомобиль транспортида юк ташувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5225-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбошисидаги “8704 22” рақамлари “8704 23” рақамлар билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

ПҚ–5252-сон қарорида:

а) 1-банднинг “а” кичик бандида:

иккинчи хатбошидаги “шунингдек, тўлов тизими операторлари орқали тўловни амалга оширганда олинган” сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“назорат-касса техникасини ва ҳисоб-китоб терминаллари қўллаш тартибини бузганлик, нақд пул маблағлари ёки пластик карточкалар бўйича тўлов шаклига қараб нархларни сунъий равишда оширганлик ёки пасайтирганлик, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга оширганлик, шунингдек, идентификация қилиш воситалари билан мажбурий рақамли маркировка қилиш назарда тутилган маҳсулотларда қалбаки маркировка қўлланилганлик ёки маркировка мавжуд эмаслиги тўғрисида солиқ органларига махсус дастур орқали хабар берган жисмоний шахсларга, ушбу маълумот асосида ўтказилган текшириш якунига кўра ҳуқуқбузарлардан ундирилган жарима суммаси ҳисобидан назорат-касса техникасининг ва (ёки) ҳисоб-китоб терминаллари қўлلامасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик бўйича белгиланган жариманинг 20 фоизи миқдорида мукофот тўланади. Бунда, жариманинг қолган ундириладиган қисми белгиланган тартибда тақсимланади”;

б) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2022 йил 1 февралдан бошлаб тўлов ташкилоти, тижорат банкларининг электрон тўлов хизматлари (шу жумладан мобил иловалар

орқали), шунингдек, электрон тижорат платформалари – “Маркетплейс” - ларнинг ахборот тизимлари ёрдамида масофадан туриб амалга оширилган савдо ва пуллик хизматлар бўйича транзакция-ларнинг (“P2P”, кредит тўловлари бундан мустасно) электрон чекларида солиқ органлари ахборотлар тизимларига интеграциялашган ва автоматик тарзда шаклланувчи фискал белгиларни мажбурий акс эттириш талаби ўрнатилсин”.

**18.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 305-сон қарори билан тасдиқланган Объектлар қурилишини лойиҳалаш ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан айна бир вақтда амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 13-банддаги “Давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари (ДАҚН инспекциялари)” сўзлари “Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари қошидаги қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари (кейинги ўринларда — ҳудудий инспекциялар)” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 14-банддаги “ДАҚН” сўзи “ҳудудий” сўзи билан алмаштирилсин.

**19.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги 211-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган спорт мактаблари тўғрисидаги низомнинг 8-банди қуйидаги таҳрирдаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Халқаро шахмат академияси;

Чавандозлар мактаби”.

**20.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 6 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларига биометрик паспортлар, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига хорижга чиқиш биометрик паспортлари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга биометрик ҳаракатланиш ҳужжатлари берганлик учун тушаётган маблағлардан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 104-сон қарори 1-бандида:

“а” кичик бандидаги “60 фоизи” сўзлари “40 фоизи” сўзлари билан алмаштирилсин;

“б” кичик банди қуйидаги таҳрирдаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:



“Давлат хизматлари марказларининг хорижга чиқиш биометрик паспортларини расмийлаштириш ва бериш учун махсус асбоб ускуналар ва дастурий таъминот билан жиҳозлаш ва техник хизмат кўрсатиш учун фойдаланилади”;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

**21.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 февралдаги 103-сон қарори билан тасдиқланган Ариза берувчи-уй қурувчининг 2017–2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурида иштирок этиши тартиби тўғрисидаги низомнинг 17-банди қуйидаги таҳрирдаги “е” кичик банди билан тўлдирилсин:

“е) ариза берувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 мартдаги 182-сон қарори билан тасдиқланган “Уй-жой сотиб олиш ёки яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом билан белгиланган тартибда ипотека кредити бўйича бошланғич бадал ва фоиз тўловларини бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидия тақдим этиш учун хабарнома олган тақдирда.”

**22.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 майдаги 404-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 6-банднинг “а”, “б” ва “в” кичик бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) 10 фоизи, бироқ ҳар йили 100 млрд сўмдан кўп бўлмаган миқдорда – Жамғармага;

б) 3 фоизи – маблағларни мақсадли равишда бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва тадбиркорларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, тадбиркорлар учун ташкил этиладиган ўқув курсларини молиялаштиришга йўналтирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига (Жамғарманинг ҳар йилги даромадлари ва харажатлари параметрларида белгиланадиган суммадан ошган қисми республика бюджетига йўналтирилади);

в) қолган қисми — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига”;

б) 7-банди иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10 фоизи, бироқ ҳар йили 100 млрд сўмдан кўп бўлмаган миқдорда – Жамғармага;

3 фоизи – маблағларни мақсадли равишда бозор инфратузилмасини ривожлантириш ва тадбиркорларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, тадбиркорлар учун ташкил этиладиган ўқув курсларини молиялаштиришга йўналтирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига (Жамғарманинг ҳар йилги даромадлари ва харажатлари параметрларида белгиланадиган суммадан ошган қисми республика бюджетига йўналтирилади);

қолган қисми — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорлари асосида тегишли маҳаллий бюджети даромадига ўтказилади”.

**23.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 сентябрдаги “Суд бошқарувчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 765-сон қарорида:

а) 2-банди чиқариб ташлансин;

б) Суд бошқарувчилари, уларни аттестациядан (қайта аттестациядан) ўтказиш ва малака аттестатини бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

14-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Давлат солиқ инспекциясининг қарздорни соддалаштирилган тартибда банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига асосан банкрот деб топилган хўжалик юритувчи субъектнинг суд бошқарувчисига қарздор жойлашган жойдаги давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг қарорига мувофиқ ҳар бир якунланган тугатишга доир иш бўйича аризачи томонидан суд бошқарувчисига ҳақ тўлаш харажатлари учун суднинг депозит ҳисобварағига базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида мукофот тўланади”;

18-банди чиқариб ташлансин.

**24.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни



илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ҳамда Ўзбекистон Республикасида тренерлик фаолиятларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 918-сон қарорида:

а) муқаддимада “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” сўзларидан кейин “, Ўзбекистон Футбол ассоциацияси” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 1-банднинг учинчи хатбошидаги “олий спорт маҳорати мактаблари” сўзларидан кейин “, республика футбол бўйича спорт маҳоратини ошириш олий мактаби, чавандозлар мактаби” сўзлари билан тўлдирилсин;

в) қуйидаги мазмундаги 3<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

“3<sup>1</sup>. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Футбол ассоциацияси ҳузуридаги Республика футбол бўйича спорт маҳоратини ошириш олий мактаби фаолиятини молиялаштириш:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

олий мактаби фаолияти соҳаси бўйича пуллик хизматларни амалга оширишдан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади”.

**25.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 декабрдаги 1023-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали бериш тартиби тўғрисидаги низомда 73-банд “д” кичик бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“50 фоизи – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорлари асосида тегишли маҳаллий бюджети даромадига ўтказилади”.

**26.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги 104-сон қарори билан тасдиқланган Ўрнатилган ташқи реклама объектлари (конструкциялари) учун тўлов миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низоми 6-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“45 фоиз – Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашлари қарорлари асосида тегишли маҳаллий бюджети даромадига ўтказилади”.

**27.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 сентябрдаги 573-сон қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги ҳузуридаги Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандида:

а) “к” кичик бандидаги “республика бюджетидан ажратмалар” сўзлари “республика бюджетидан ажратмаларнинг даромадларини ушбу суммага камайтирган ҳолда ўтказиладиган ажратмалар” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) “л” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“л) Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига тушадиган ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг (норуда фойдали қазилмалардан ташқари) прогноздан орттириб бажарилган қисмининг 50 фоизи миқдорида, лекин йиллик жами 150 млрд. сўмдан кўп бўлмаган миқдорда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратмалар”.

**28.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш тадбирларига ажратилаётган маблағларнинг самарадорлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 583-сон қарорида:

а) 2 банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Белгилансинки, 2022 йил 1 январдан эътиборан:

коронавирус инфекцияси билан касалланган беморлар жойлашган муассасаларда фаолият олиб бораётган тиббиёт ва бошқа ходимлар ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораториялари ходимларига ишлаган даври учун иш юктамаларини инобатга олган ҳолда уларнинг тариф ставкаларига 200 фоиз миқдорида махсус устама жорий қилинади.

Бунда:

анестезиолог-реаниматолог врачларига махсус устамалар 1,2 коэффициентга оширилган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади ва тўлаб берилади;

махсус устама тўловлари тўланадиган тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимларнинг ойлик лавозим маошига 6 фоиз миқдорида ҳар кунлик қўшимча тўлов амалга оширилмайди”;



б) 3-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари, 9 банди чиқариб ташлансин;

в) 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати ҳудудий бошқармалари коронавирус инфекциясига қарши курашиш даврида тиббиёт муассасаларига Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши, шу жумладан, жалб қилинган ходимларга махсус устама тўловларининг тўғри ва тўлиқ тўланиши устидан тизимли назорат ўрнатсин”;

г) Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш объектларида ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораторияларида фаолият олиб бораётган ходимларга махсус рағбатлантириш тўловларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

1-бандидаги “махсус тўлов” сўзлари “махсус устама” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Ходимларга махсус устамалар ва уларга ҳисобланадиган ижтимоий солиқлар 2022 йилда коронавирус пандемиясига қарши курашиш ва вакцина сотиб олиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади”;

4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Коронавирус инфекцияси билан касалланган беморлар жойлашган муассасаларда фаолият олиб бораётган тиббиёт ва бошқа ходимлар ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораториялари ходимларига ишлаган даври учун иш юкламаларини инобатга олган ҳолда уларнинг тариф ставкаларига 200 фоиз миқдорда махсус устама белгиланади.

Анестезиолог-реаниматолог врачларга махсус устамалар 1,2 коэффициентга оширилган ҳолда ҳисоб-китоб қилинади ва тўлаб берилади;

Бошқа ходимлар таркибига жалб этилган ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар киради”;

6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Махсус устама тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимларга, шу жумладан, қисқа муддатга жалб этилган тор йўналишдаги тиббиёт мутахассисларига ҳақиқатда ишланган иш ҳажми учун тўланади”;

7-банднинг учинчи хатбошисидаги “ҳар 30 кунлик” сўзлари “ҳақиқатда ишлаган” сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банд чиқариб ташлансин;

10-банднинг иккинчи хатбошисидаги “ҳар 30 кунлик” сўзлари “ҳақиқатда ишлаган” сўзлари билан алмаштирилсин.

**29.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган “Соғлом турмуш тарзи” платформаси фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомда:

20-бандининг еттинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 30 декабрдаги ПҚ–73-сон қарорига  
10-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси  
Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф  
этилаётган айрим ҳужжатлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги “Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3550-сон қарорининг 5-илоvasи 9-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги “Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 302-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 12 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги 196-сон қарорининг 2-илоvasи 33-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 206-сон қарорининг 1-илоvasи 38-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 ноябрдаги “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурларини шакллантириш ва амалга оширишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 261-сон қарорининг 2-банди ва унинг 3-илоvasи.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 50-сон қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги “Давлат харидларини ташкил этишга доир норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 100-сон қарори 3-илоvasининг 4-банди.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги “Ижтимоий ва фуқаро объектларини лойиҳалаш ва қуришда тегишли тартиб ўрнатиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–1666-сон қарори)”ги 42-сон қарори иловасининг 4-банди.

**9.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 23 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 143-сон қарори иловасининг 12-банди.

**10.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 9 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида” 2012 йил 13 ноябрдаги ПФ–4483-сон Фармони)”ги 244-сон қарори 1-иловасининг 33-банди.

**11.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 3 мартдаги “Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ–2137-сон қарори)”ги 108-сон қарори.

**12.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 сентябрдаги “Тендер савдолари ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 264-сон қарори)”ги 317-сон қарори.

**13.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида” 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ–360-сон ҳамда “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2016 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2015 йил 31 декабрдаги ЎРҚ–398-сон қонунлари)”ги 122-сон қарори 1-иловасининг 57-банди.

**14.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 июндаги “Ер ости сувларидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 430-сон қарори 3-иловасининг 1-банди.



**15.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида” 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5016-сон Фармони)”ги 638-сон қарори 1-иловасининг 24-банди.

**16.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат ва корпоратив харидларини амалга оширишнинг замонавий шакл ва услубларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 23 августдаги ПҚ–3237-сон қарори)”ги 992-сон қарори 1-иловасининг 2-банди.

**17.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 10 январдаги ПФ–5624-сон Фармони)”ги 254-сон қарори 1-иловасининг 2-банди.

**18.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 28 январдаги ПФ–5644-сон, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2019 йил 1 февралдаги ПФ–5650-сон фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида” 2019 йил 28 январдаги ПҚ–4136-сон қарори)”ги 397-сон қарори иловасининг 12-банди.

**19.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 июндаги “Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимининг тубдан такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 498-сон қарори 1-иловасининг 3-банди.

**20.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича танлов (тендер) ўтказишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 91-сон қарори.

